Куч — адолатда

2013 йил
25 октябр,
жума
№ 43 (452)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мустақиллик мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиши, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган юксак тараққиёт даражасига эришиши йўлида улкан имкониятлар эшигини очиб берди. Ўз олдига иқтисодий ривожланган ва демократик ҳуқуқий давлат қуришдек олижаноб ва эзгу мақсадларни қўйган халқимиз ўзининг нималарга қодирлигини намоён этмоқда.

Таъкидлаш керакки, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий ҳимоя халқимиз турмуш даражаси ва сифатини ошириш, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шу мақсадда қабул қилинган дастур ва лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида жаҳон молиявий инқирози давом этаётган бир даврда юртимизда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли реал даромадларини оширишга эришилмоқда.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида мазкур йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли лойиҳалар самарасида 2013 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда 554,4 мингта янги иш ўрни яратилди. Аҳолининг реал даромадлари 16,3 фоизга ўсди.

Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби пойтахтимизда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Шайхонтоҳур туманида тизимли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Бу жараёнда аҳоли бандлигини таъминлаш, "коллеж - корхона" ҳамкорлик лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш, бўш иш ўринлари маълумотлари базасини яратиш ва уни доимо янгилаб бориш, ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимлари корхоналар, ташкилотлар, ишлаб чиқариш жамоалари, маҳаллалар ва таълим масканлари билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Марказнинг ҳар бир инспектори мазкур йўналишда ўзига бириктирилган маҳаллалар, коллеж ва лицейларда бўлиб, маҳалла фаоллари ҳамда ўқитувчилар билан биргаликда аҳоли бандлиги, "коллеж - корхона" ҳамкорлигининг ижроси юзасидан мониторинг олиб бормоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

E`tirof

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар "OIC Today" журнали нигоҳида

Яқинда Малайзияда инглиз тилида нашр қилинадиган "OIC Today" журнали саҳифасида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар мавзуига бағишланган мақола чоп этилди.

"Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари" сарлавҳали мазкур мақолада бу соҳадаги ислоҳотлар мамлакатимиз мустақил ривожланиши йиллари давомида давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолгани таъкидланади. Нашр юртимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг биринчи босқичи 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган муддатни қамраб олганини қайд этар экан, ушбу давр мобайнида суд-ҳуқуқ тизими ўзгаришларининг миллий стратегияси белгиланган ҳамда унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилганини маълум қилади.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солишга қаратилган миллий қонунчилигимиз замон талабларига мос равишда такомиллаштирилмоқда. Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 22-23 августдаги ўн иккинчи ялпи мажлисида ҳам қатор қонунлар маъқулландики, улардан бири "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонундир. Мазкур қонун 2013 йил 5 октябрда матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Yangi qonun mohiyati

Мувофиқликни баҳолашнинг янги ҳуқуқий асослари

Алоҳида таъкидлаш керакки, "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонун қабул қилингунга қадар мазкур соҳага доир муносабатлар "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Метрология тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, идоравий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинаётган эди.

(Давоми учинчи бетда)

O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 21 yilligiga

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ТАМАЛ ТОШИ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида эътироф этганларидек, мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этади.

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида ҳаётимизда, биз эришган барча ютуқларда Бош Қомусимизнинг ўрни беқиёс экани барчамизга яхши маълум.

Бу йил Конституциямизнинг 21 йиллиги катта тантана билан нишонланади. Ана шу муҳим сана олдидан Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳияти, унинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Мирбобоев билан "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбири суҳбатда бўлди.

— Бахтиёр Шамсутдинович, халқимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигини кенг нишонлаш арафасидамиз. Шу муносабат билан Конституциямизнинг ҳаётимиздаги ўрни, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз замиридаги аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Умуман олганда, Конституциянинг ижтимоий ҳаётдаги роли беқиёс. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти қонунлар билан тартибга солинади. Барча қонунлар тизимини бир бутун иморат деб билсак, Конституция унинг пойдеворини ташкил этади. Иморатнинг мустаҳкамлиги эса, биринчи навбатда, пойдеворга боғлиқ. Қайси мамлакатда қонун устувор бўлса, ўша мамлакатда тинчлик ҳукм суриб, тараққиётга, юксалишга эришилади. Аксинча, қонунга амал қилинмаган жойда тартибсизлик, бебошлик авж олади, иқтисодиёт таназзулга юз тутади. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, "Қаерда қонун ҳукмрон бўлса, ўша ерда эркинлик бўлади".

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

бу борадаги қонуний асослар янада такомиллаштирилмоқда

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, вазирликлар, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, жамоат тартибини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини турли хил тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Айтиш керакки, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашда маҳаллаларда милиция таянч пунктлари, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаларининг ташкил этилганлиги, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари қошида яраштирув комиссияларининг фаолият юритаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноий қилмишларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш ишларини кучайтириш имконини берди.

(Давоми иккинчи бетда)

Jamiyatimiz maqsadi

Оила — муқаддас қўрғон

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан оиланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди. Конституциямизга "Оила" боби киритилгани бунинг яққол далилидир.

Бош Қомусимизнинг мазкур бобида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилган.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда барча мулк шакллари каби хусусий мулк давлат ҳимоясидадир. Ушбу мақсад йўлида қонунчилик асослари ҳам яратилдики, бу тадбиркорлар, фермерлар фаолияти ривожи йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусий мулк дахлсизлиги кафолатлари яратилгани айниқса, деҳқонларимизнинг ерга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Натижада қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Маълумки, қишлоқда янгича меҳнат муносабатларининг қарор топишида адлия идоралари ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, шартномавий муносабатларда қонунийликни таъминлаш билан боғлиқ ишларнинг салмоқли қисми адлия идоралари зиммасига юклатилган. Бугунги кунда адлия идоралари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Qonun ko`magi

Шартнома ижроси

томонлар манфаатини таъминлайди

Масалан, Хоразм вилояти адлия бошқармаси шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан вилоят бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари ҳамда тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида тузилган 25 мингдан ортиқ шартноманинг 3 мингдан зиёдида тарафларнинг реквизитлари қайд этилмагани, ҳуқуқшунос хулосаси мавжуд эмаслиги, шартномалар жойлардаги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилмагани, маҳсулот ҳажми ва миқдори матни бўяб ўзгартирилгани, айрим битимлар тарафларнинг муҳрлари билан тасдиқланмагани сингари қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

(Давоми иккинчи бетда)

O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 21 yilligiga

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ТАМАЛ ТОШИ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Албатта, қонунларга риоя қилиниши уларнинг сифатига ҳам бевосита боғлиқ. Қонунлар қанчалик адолатли, мукаммал бўлса, ўша жамиятда ижтимоий муносабатлар муаммосиз тартибга солинади. Бу, ўз навбатида, шу мамлакат тараққиётига ўзининг бевосита таъсирини ўтказади. Қонунларнинг адолатли ва пухта бўлиши ўша мамлакат Конституциясининг нечоғлик адолатли ва пухталиги билан белгиланади.

Конституциямиз Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим қоидаларини ўзида мужассамлантириб, жамиятимиз ҳаётининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Бинобарин, у бугун бутун дунё томонидан мамнуният билан эътироф этилаётган тараққиётнинг "ўзбек модели"ни ўзида ифода этди ва бу модел асосида мамлакатимизнинг ўзига хос ривожланиш йўлини белгилаб берди. Конституциянинг муқаддима қисмида халқимизнинг мақсади инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш эканлиги мустаҳкамланди.

Бош Қомусимиз Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши, шунга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширишини ўзининг асосий принциплари сифатида белгилаб берди. Шу қоидалар асосида мамлакатимизда "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун", деган ғоя ҳаётга татбиқ этилди. Шу билан бирга, Конституцияда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслиги шартлиги тўғрисидаги қоида ҳам ўз ифодасини топди.

Конституциямиз давлат халқ иродасини ифода этишини, унинг манфаатларига хизмат қилишини, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи Ўзбекистон халқи эканлигини белгилаб берди. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципини ўзида мустаҳкамлади. Ҳар қандай демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантирди.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мустақил Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тамал тоши бўлди.

— ***Конституциямизнинг ҳаётимиздаги ўрни, амалга оширилаётган ислоҳотлар замиридаги аҳамияти тўғрисида гапирганда, албатта, Конституциямизга киритилган сўнгги ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам фикр юритсак тўғри бўларди.***

— Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди, у ҳамиша ривожланишда, шунинг учун ҳам бизнинг олдимизга янги ва янги вазифаларни қўяди. Бу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун эса Конституциямизга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб келинмоқда.

Масалан, Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" тўғрисидаги маърузасида Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати чуқур ва муфассал асослаб берилди. Ушбу маърузада Ўзбекистон Республикаси ўз олдига қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни чуқур илмий таҳлил қилинган ҳолда, уларга бугунги кун нуқтаи назаридан холисона баҳо бериш билан бир қаторда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, бу йўналишлар бўйича олдимизда турган аниқ вазифалар белгилаб берилган эди.

Маърузада баён қилинган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тайёрланиб, қабул қилинди. Ушбу Қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга, шунингдек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтиришга қаратилди.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи ҳокимиятнинг юқори органи сифатидаги ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берувчи 98-моддаси янги таҳрирда баён қилинди ва у илгариги таҳрирдан асосан қуйидаги жиҳатлар билан фарқ қилади.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Олий Мажлис палаталарига кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига парламент томонидан Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш институти жорий этилди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Парламент палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Бу қоида, бир томондан, мамлакатни бошқаришда парламент ролининг янада оширилишини таъминласа, иккинчи томондан, нафақат Бош вазирнинг, балки ҳукумат аъзолари ҳар бирининг масъулиятини кучайтиришга ва натижада Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг янада яхшиланишига олиб келади, шу асосда мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётида ўзининг ижобий самарасини беради.

Учинчидан. Ишончсизлик вотуми асосида Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қарор қабул қилингандан кейин янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Парламент палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Конституциянинг 78-моддаси 15-бандида Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари сифатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколати назарда тутилди. Бу ҳолат ҳам парламент ролининг ошишига, унинг назорат фаолиятини янада такомиллаштирилишига хизмат қилмоқда.

Конституциянинг 93-моддаси 15-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентига вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлаш ёки лавозимидан озод этиш учун уларнинг номзодини тақдим этиш ҳуқуқи Бош вазирга берилди. Бу, бир томондан, вилоят ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этишда Бош вазирнинг ваколатларини кенгайтирса, иккинчи томондан, вилоятлар ва Тошкент шаҳри тараққиёти учун Бош вазир масъулиятини кучайтирди.

Шунингдек, Конституциянинг 93-моддаси 12-бандига ҳамда 80-моддаси 6-бандига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Уларга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги масалани Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади. Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлайди. Олий Мажлис Сенатига бундай ваколатнинг берилиши Парламент томонидан кадрлар сиёсатини амалга ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижросини назорат қилиш ваколатини янада такомиллаштирди.

— ***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга мослигига доир ишларни кўрадиган суд ҳокимияти органи ҳисобланади. Ушбу суднинг ваколатлари масаласига қисқача тўхталсангиз.***

— Асосий Қонуннинг III боби Ўзбекистон Республикасида Конституциянинг устунлиги сўзсиз тан олиниши, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслигини белгилаб берди. Ушбу қоидаларни амалда таъминлаш учун қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқловчи Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкил этилиши Конституциямизда назарда тутилди.

Конституциявий суд:

— Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

— Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституция билан берилган ваколат деганда, Конституциянинг 83-моддасида мустаҳкамланган Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ҳамда 95-моддасида назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис палаталарини тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилганда унга маслаҳат бериш ваколати тушунилади.

Қонунлар билан берилган ваколатга мисол тариқасида "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилган ваколатни келтириш мумкин. Мазкур Қонуннинг 13-моддаси охирги хатбошисида "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинади" деган норма мустаҳкамланган.

Конституциявий суд ваколатига кирувчи ишлар суд мажлисида коллегиал тартибда кўриб чиқилади. Кўрилган ишлар бўйича Конституциявий суд қарор қабул қилади. Бу қарорлар матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради, улар қатъий бўлиб, улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

— ***Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари ходимлари билан бир қаторда, Конституциявий суд ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Шу муносабат билан Конституциявий суд судьяларининг ҳуқуқий ҳолати, масъулияти масалалари юзасидан ҳам фикр юритсангиз.***

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида таъкидланганидек, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр давомидаги ишларнинг танқидий таҳлили шундан далолат берадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминламасдан, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг қўлланилиши, бир томондан, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишнинг зарурий шарти бўлса, иккинчи томондан, уларга қўйиладиган талабларнинг янада кучайишига, шунингдек, улар масъулиятининг ҳам ошишига олиб келади.

Маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида Конституциявий суднинг судьялигига номзодга қўйиладиган талаблар белгиланган. Унга мувофиқ, сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин.

Конституциявий суд судьяларининг масъулиятини ошириш воситаларидан бири — "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьясининг шаъни тўғрисидаги Кодекс" қоидаларига тўлиқ амал қилинишини таъминлашдир. Ушбу Кодекса кўра, Конституциявий суд судьяси учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамма нарсадан устун бўлмоғи лозим. Судья ҳар доим ва ҳар жойда ўзини шундай тутиши керакки, токи жамиятда Конституциявий суднинг одил ва мустақил эканлигига ишонч қарор топиши лозим. Конституциявий суднинг обрўсини тўкадиган қилмиш содир этганлиги учун судьянинг ваколатлари белгиланган тартибда тўхтатилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

— ***Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлар Конституциявий судлари билан олиб бораётган ҳамкорлик алоқалари тўғрисида ҳам сўзлаб бersangиз.***

— Ўзбекистон Республикаси Конституцивий суди Европа ва Осиёнинг ривожланган демократик мамлакатлари Конституциявий судлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

2010 йил 12 июлда Жакарта шаҳрида Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Мўғулистон Республикаси, Таиланд Қироллиги, Филиппин Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси томонидан Осиё Конституциявий судлари Ассоциацияси ташкил этилди. Кейинчалик Россия Федерацияси, Туркия, Тожикистон, Покистон, Қозоғистон Республикаси ва Афғонистон Конституциявий судлари ёки конституциявий судловни амалга оширадиган органлари ҳам ушбу Ассоциацияга аъзо этиб қабул қилинди. Ассоциация мустақил, сиёсий бўлмаган ташкилот ҳисобланиб, унинг асосий вазифалари давлат ҳуқуқи ва конституциявий юрисдикция бўйича симпозиумлар ўтказиш, тажриба алмашишга кўмаклашиш, Конституциявий судлар мустақиллигини мустаҳкамлашда техник ёрдам кўрсатишдан иборат. Ушбу халқаро ташкилотнинг таъсис этилиши Осиё мамлакатларида конституциявий одил судловни амалга ошириш соҳасидаги ижобий тажриба алмашиш учун кенг имкониятлар яратади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди жаҳоннинг 71 та мамлакати Конституциявий судларини ўзида бирлаштирган, Венеция Комиссияси ҳомийлигида ташкил этилган Конституциявий одил судлов бўйича Жаҳон конференциясига ҳам аъзо.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди бевосита хорижий давлатлар конституциявий назорат органлари билан ҳам ҳуқуқий ахборот ва конституциявий назорат амалиёти доирасида тажриба алмашиш ишларини амалга ошириб келмоқда.

"Туркистон-пресс" НАА мухбири Улуғбек АСРОРОВ суҳбатлашди.

Qonun ijodkorligi

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

бу борадаги қонуний асослар янада такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Аммо шунга қарамай бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тизимини янада такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда. Хусусан, бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйишни тақозо этмоқда.

Бу, ўз навбатида, профилактика субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш жиҳатларини турлича изоҳлашга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бутун тизимини ташкил этишда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслигига олиб келаётган эди.

Бундан ташқари Республика Бош прокуратураси ҳузурида ташкил этилган Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишларда ташкилот, корхона ва муассасаларнинг айрим мансабдор шахслари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кенг кўламда амалга оширишда етарлича фаоллик ва ташаббус кўрсатмаётгани қайд этилган.

Шунингдек, ҳуқуқий базанинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари айрим қонун нормалари, идоравий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда. Бу эса, профилактика субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини таъминлашнинг тўлиқ имконини бермайди.

Айтиш керакки, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Республика Бош прокурори томонидан **"Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари муҳокамасига киритилди. Бугун ушбу қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда муҳокама этилади.

Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги тажрибалари атрофлича ўрганиб чиқилди. Халқаро амалиётни ўрганиш шундан далолат берадики, бир қатор хорижий мамлакатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ягона қонун билан тартибга солинади. Умуман айтганда, МДҲ мамлакатларида бевосита ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ички ишлар, давлат хавфсизлиги органларининг тегишли бўлинмалари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуни лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилмоқда:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мақсади, вазифалари, принциплари ва асосий йўналишлари;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан боғлиқ асосий тушунчалар;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси асосий субъектларининг рўйхати ва уларнинг ваколатлари;
-умумий, махсус, якка тартибдаги чораларни ўз ичига қамраб олган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чораларининг тизими ва уларни амалга ошириш тартиби;
- ички ишлар идораларининг профилактик ҳисобини амалга оширадиган шахслар тоифаси ҳамда уни амалга ошириш асослари ва тартиби;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг кафолатланиши;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш масалалари.

Юқорида баён этилганлардан ҳам кўринадики, ушбу қонун лойиҳаси жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш стратегиясига уйғун бўлиб, юрт осойишталигига ва миллий хавфсизликка раҳна солиши мумкин бўлган янги таҳдидлар ва хавф-хатарларнинг олдини олади. Шунингдек, давлат тузилмалари билан турли жамоатчилик институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қўлланиладиган чораларнинг тизимлилиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Qonun ko`magi

Шартнома ижроси

томонлар манфаатини таъминлайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу шартномаларнинг ижросини таъминлаш бўйича эса бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилган. Ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан корхона ва ташкилотларга 95 та тақдимнома, 312 та огоҳнома, 88 та ёзма кўрсатма киритилди ва йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини тўлиқ бартараф этишга эришилди. Ушбу тақдимномаларга асосан 83 нафар масъул шахсга нисбатан интизомий таъсир чораси қўлланилди. 5 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, шартномаларнинг бажарилиши бўйича аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли судларга жами қиймати 1 миллиард 959 миллион сўмлик даъво аризалари киритилди. Даъво аризаларининг суддаги муҳокамаси асосида 2 миллиард 214 миллион сўмлик даъво талаблари қаноатлантирилди, 1 миллиард 451 миллион сўм асосий қарз, 763 миллион сўм неустойка ундириш белгиланди. Айни пайтда судлар 3 нафар мансабдор шахс ҳисобидан етказилган 225 минг сўмлик маънавий зарарни ундириш ҳақидаги мурожаатни ҳам қаноатлантирди. Бу маблағ жавобгарлардан ундириб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, шартномавий муносабатлар унда иштирок этувчи томонларнинг манфаатларини кўзлайди. Шартнома шартларининг ўз вақтида бажарилиши эса, ана шу мақсадни таъминлаш билан бирга иқтисодиёт ривожига хизмат қилади.

Равшанбек НЕЯЗМЕТОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Fuqarolik qonunchiligi

Кредитга

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиёт соҳасининг тобора ривожланишига мустаҳкам замин яратди. Бу борада, айниқса, бозор иқтисодиётига оид янги қонунчилик базасининг яратилгани муҳим аҳамият касб этди.

Айтиш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади. Унинг барча қатнашчилари эса, ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Соҳага оид қонунчиликда юридик жавобгарлик институти алоҳида ўринни эгаллайди. Маълумки, юридик жавобгарликнинг тўртта асосий тури мавжуд бўлиб, улардан иқтисодий муносабатларни тартибга солишда энг кенг тадбиқ этиладигани бу — мулкий, яъни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдир. Бевосита фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ёрдамида бозор иқтисодиёти субъектлари ўртасидаги муносабатларда тенглик таъминланади ва уларнинг ҳуқуқлари амалга оширилиши кафолатланади.

Айтиш керакки, суд амалиётида кўрилаётган ишларнинг аксариятини фуқаролар билан фуқаролар ўртасидаги, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасидаги кредит шартномаларидан келиб чиқадиган фуқаролик низолари ташкил қилади. Ушбу низолар асосан фуқаролик суд ишларини юритишнинг даъво қўзғатиш тартибида ёки суд буйруғи чиқариш йўли билан ҳал қилинади.

Маълумки, ҳар қандай шартнома фуқаролар, юридик шахслар ва давлат учун муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиргани учун ҳам у бир вақтнинг ўзида юридик факт ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг шартнома тузишдан кўзлаган мақсадига кўра, шартномалар у ёки бу натижага эришиш учун тузилади. Масалан, олди-сотди шартномаси тузишдан сотувчининг мақсади ўзида мавжуд бўлган товарни пулга алмаштириш бўлса, харидорнинг мақсади — муайян товарга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритишдир.

Шу маънода фуқаролик ҳуқуқи, фуқаролик муомаласи ва мажбуриятлар тизимида фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг у ёки бу мақсадга эришиш мақсадида тузадиган шартномаларидан бири кредит шартномаси ҳисобланади.

Кредит шартномаси — бу қарзнинг алоҳида, мустақил кўринишларидан биридир. Кредит шартномаси юридик табиатига кўра, консенсуал, яъни томонлар орасида тегишли келишувга эришилгач, қарз олувчига ҳали пул берилмасдан аввал кучга киради.

Yangi qonun mohiyati

Мувофиқликни баҳолашнинг янги ҳуқуқий асослари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу соҳада ягона базавий қонуннинг қабул қилиниши, ўз навбатида, миллий қонунчиликни халқаро талабларга ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш имконини беради.

"Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонун миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлигига асосланган 4 боб ва 33 моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Қонуннинг "Умумий қоидалар" деб номланган 1-бобида ушбу қонуннинг мақсади, мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, қонунда қўлланиладиган асосий тушунчаларнинг изоҳи, мувофиқликни баҳолашнинг асосий вазифалари ва принциплари, мувофиқликни баҳолаш объектлари, мувофиқликни баҳолашни ва аккредитацияни амалга ошириш, мувофиқликни декларациялаш, инспекция назоратини амалга ошириш, сертификатлаштиришни, юкни ортишдан олдин ва юкни тушириш вақтидаги инспекцияни, маҳсулот синовини, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосаларини ёки экологик экспертизани амалга ошириш, мувофиқликни тасдиқлашни амалга ошириш, мувофиқликни баҳолаш қоидалари ва тартиб-таомили ҳамда мувофиқликни баҳолаш натижаларини тан олишга оид нормалар мустаҳкамланди.

Қонуннинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан яна бири мувофиқликни баҳолаш қоидалари ва тартиб-таомили билан боғлиқ бўлиб, унга кўра, мувофиқликни баҳолаш қоидалари ва тартиб-таомили мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ташкилий ҳамда техник талабларни, ишларни бажариш ва расмийлаштириш тартибини, усулларини ўз ичига олиши, бу муносабатларга доир ишлар ходимлар томонидан амалга оширилиши, бунга доир ишларга сифат бўйича эксперт-аудиторлар ва ёки тегишли тармоқларнинг мувофиқликни баҳолаш соҳасида ишларни ташкил этишга, ушбу соҳадаги жараёнга ёки фаолиятга тааллуқли махсус билим ва тажрибага эга бўлган техник экспертлар жалб қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги норма билан мустаҳкамланди.

Қонуннинг "Мувофиқликни баҳолаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш" деб номланган 2-бобида эса, мазкур соҳани давлат томонидан тартибга солишни амалга оширувчи органлар, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид нормалар ўз ифодасини топди.

Мазкур қонун билан мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитациянинг белгиланган соҳасида сертификатлаштиришни амалга ошириш; мувофиқлик сертификатлари бериш; ўзи берган мувофиқлик сертификатларининг ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни рўйхатдан ўтказишнинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ёхуд мувофиқлик сертификатларини ёки мувофиқлик ҳақидаги декларацияни рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш; аккредитациянинг белгиланган соҳасида маҳсулот синовини ўтказиш, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш; аккредитациянинг белгиланган соҳасида маҳсулот синовларига оид баённомаларни, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш тўғрисидаги баённомаларни бериш; миллий аккредитация тизими белгисини қўллаш каби ҳуқуқларга эга бўлдилар.

Ўз навбатида, уларнинг мажбуриятлари сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларни бажариши; манфаатдор шахсга сертификатлаштириш, мувофиқликни декларациялаш, инспекция назорати, юкни ортишдан олдин ёки юкни тушириш чоғидаги инспекция, маҳсулот синовлари, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертиза қоидалари ва тартиб-таомили тўғрисида ахборот тақдим этиши; мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишни амалга ошириши; ўзи берган мувофиқлик сертификатларининг, маҳсулот синовларига оид баённомаларнинг, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш тўғрисидаги баённомаларнинг, шунингдек, рўйхатдан ўтказилган мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларнинг ҳисобини юритиши; ўзи берган мувофиқлик сертификатлари ва рўйхатдан ўтказилган мувофиқлик тўғрисидаги декларациялар, уларга ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, шунингдек, уларни бекор қилиш тўғрисида Миллий сертификатлаштириш органини хабардор қилиши; маҳсулот синовлари, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлашнинг белгиланган қоидалари ҳамда тартиб-таомилларига риоя этиши; маҳсулот синовлари, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш натижаларининг тўғрилигини таъминлаши; аккредитация билан боғлиқ харажатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаши шартлигига оид нормалар ёрдамида мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, қонуннинг "Аккредитация" номли 3-бобида Миллий аккредитация органи, аккредитация шартлари, аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома, Миллий аккредитация тизимининг белгиси, аккредитация соҳасини ўзгартириш, аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш каби бир қатор масалалар тартибга солинди.

Мазкур янги қонуннинг "Якунловчи қоидалар" деб номланган 4-бобида эса, мувофиқликни баҳолашга доир ишларни молиялаштириш, мувофиқликни баҳолаш органларининг бирлашмалари, низоларни ҳал этиш, мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш масалаларига ҳам ойдинлик киритилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши, ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнлари, менежмент тизимлари ва ходимларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш имконини яратди. Шу билан бирга қонун ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик ва жаҳон савдо алоқаларида иштирок этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда давлатнинг ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Зафар РЎЗИЕВ,
Сахипжамал ДЖОЛДАСОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари

E'tirof

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар "OIC Today" журнали нигоҳида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

"Шунингдек, бу давр оралиғида судларнинг ихтисослашуви амалга ошгани баробарида, суд ҳокимияти ўз ваколатини қонунга мувофиқ равишда ҳаётга татбиқ этадиган давлат ҳокимиятининг кучли тармоғи сифатида тасдиқланиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди", деб ёзилади журналда.

Мақола муаллифининг фикрича, 2000-2010 йиллар суд тизимининг институционал мустаҳкамланиши ва айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги жиноий жазоларнинг либераллашуви даври бўлди. "Шу тариқа яратшув институти жорий қилиндики, у унча катта бўлмаган жиноятни содир этган шахсни жиноий жавобгарликдан ҳамда судланганлик оқибатларидан озод қилади. Мазкур институтнинг қўлланилиши натижасида 131 минг нафардан зиёд фуқаро жиноий жавобгарликдан халос қилинди", дея ёзилади "OIC Today" журналида.

Эътироф этилишича, ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда "Хабеас корпус"нинг жорий этилиши, яъни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан бевосита судларга ўтказилиши Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мажмуида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда судьялар санкцияси асосида айбдорнинг лавозимдан четлаштирилиши, шунингдек, шахснинг мажбурий равишда тиббиёт муассасига жойлаштирилиши сингари йўналишларда мазкур институтнинг қўлланилиши кенгаймоқда.

Мақолада қайд этилганидек, 2010 йили қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, Ўзбекистонда айрим жиноят турларини Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўтказиш йўли билан Жиноят кодексини янада декриминализациялаш амалга оширилаётир.

Шунингдек, нашрда мазкур Концепцияда "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш айни зарурат эканлигига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам таъкидланади: "Ушбу Қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилгандир".

Юқоридагилардан ташқари, мазкур мақолада суд тизимидаги кадрлар салоҳиятини такомиллаштириш, судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳақидаги атрофлича маълумотлар ҳам журнал ўқувчилари эътиборига ҳавола қилинган.

"Жаҳон" АА.
Куала-Лумпур

Jamiyatimiz maqsadi

Оила – муқаддас қўрғон

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, унда никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурликлари, фарзандлар, ота-оналарининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши ўз ифодасини топган.

Оила кодекси ва бошқа қонун, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ҳам бу қоида ва тартиблар қатъий белгилаб қўйилган.

Оила кодексида **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш"** қоидаси акс эттирилгани соғлом оилаларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Мазкур кодекснинг 17-моддасида никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтиши, тиббий кўрикдан ўтиш ҳажми ва тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши мустаҳкамланган.

Қайд этиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори асосида юртимизда 2004 йил 1 январдан бошлаб, барча никоҳланувчи шахслар руҳий, наркологик касалликлар, теританосил, сил касалликлари ва ОИВ (ОИТС) бўйича тиббий кўрикдан ўтиши йўлга қўйилди. Низомга кўра, тиббий кўрикдан ўтиш муддати никоҳланувчи шахслар тиббиёт муассасасига мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги керак.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ФХДЁ бўлими ходимлари оила барқарорлигини таъминлашдек эзгу мақсадларни амалга оширишда муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Жумладан, туманимизда жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 1153 нафар никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўтказилди, чунончи, оилаларга чексиз қувончу-шодлик ҳадя этиб, тўрт минг нафарга яқин фарзанд дунёга келди.

Шунингдек, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бўлимимиз томонидан тумандаги қатор коллеж ва мактабларда узоқ йиллар давомида бахтли турмуш қуриб келаётган оила аъзолари билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш йўлга қўйилган. Чунки бой ҳаётий тажрибаларга эга бўлган отахон ва онахоналарнинг ибратли ҳикоялари ёшларнинг оила ҳақидаги тасаввурини янада тўлиқроқ шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Бу, ўз навбатида, ёшлар қалбида миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга бўлган чексиз ҳурмат, эътиқод ҳиссини уйғотади. Уларни оила, турмуш ҳақида теранроқ фикрлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Хулоса қилиб айтганда, оила — муқаддас қўрғон. Энг муҳими, унда эртанги кунимиз эгалари — фарзандларимиз дунёга келиб, вояга етади. Шундай экан, оиланинг мустаҳкамлиги, осойишта ва фаровонлигини таъминлаш ҳар биримизнинг зиммамиздаги муқаддас бурчдир.

Раъно ҚАРШИЕВА,
Китоб тумани ФХДЁ бўлими мудири

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Меҳнат дафтарчаси ва уни юритиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Р. МАМАДАЛИЕВ,
Қоракўл тумани

— Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир.

Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиш шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно.

Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

Саволларга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Оид битим

унинг қоидаларига тўлиқ риоя этиш томонлар манфаатига хизмат қилади

Демак, бундай келишув мавжуд бўлган вазиятда қарздор қарз берувчидан кредит беришни талаб қилишга ҳақли. Қарз берувчи эса, агар кредитнинг ўз вақтида қайтарилишига монелик қиладиган шароитлар вужудга келганда, масалан, қарздорнинг тўлов қобилиятининг йўқолиши сабабли, кредит беришдан бош тортиши ёки бир қисмини бериши мумкин. Кредит шартномасида қарз берувчи сифатида фақат банк ёки Марказий банк лицензиясига эга бўлган бошқа кредит ташкилоти қатнашиши мумкин.

Кредит шартномаси иккала томонга ҳам мажбурият юклайди. Аниқроқ айтганда, бир томон иккинчи томон фойдасига мажбурият олади. Масалан, кредитор қарздорга пул суммасини беришга мажбур ва келишилган муддат ўтганда, берилган пулни ва устама фоизларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Қарз олувчи эса, пул берилишини талаб қилишга ҳақли ва уни келишилган муддатда устамаси билан қайтаришга мажбур.

Айтиш керакки, кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт. Унинг ёзма шаклига риоя қилмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.Шунингдек, кредит шартномасини тузишда унинг шаклига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмас, деб топилишига ва шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси Халқ банкининг Сирдарё вилояти Мирзаобод филиали манфаатини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, банк филиали ва Юсуф Ҳайиталиев ўртасида 2010 йил 9 октябрда "Чорва молларини сотиб олиш учун" кредит шартномаси имзоланган. Унга асосан Ю.Ҳайиталиевга 36 ой муддатга йиллик тўрт фоиз устама ҳақи тўлаш шарти билан 2,5 миллион сўм кредит маблағи ажратилган.

Фуқаролик кодексининг 744-моддасига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса, олинган пул суммасини қайтариш ва фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Жавобгар Ю.Ҳайиталиев кредит шартномаси юзасидан ўз мажбуриятини бажармаган ва натижада асосий кредит қарзи 2 миллион 360 минг сўм, унга ҳисобланган фоиздан 43 минг сўм, жами 2 миллион 403 минг сўм қарздорлик вужудга келган.

Ҳолбуки, кредит шартномасида қарздор кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни ўз вақтида тўламаган тақдирда кредит бўйича қарздорлик ҳамда кредит бўйича асосий қарз муддатидан олдин ундирилиши кўрсатилган.

Шунга кўра, банк филиали манфаатини кўзлаб даъвогар сифатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси кредит қарздорликни жавобгардан ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Мазкур ҳолатда суд даъвогарнинг даъво талабини асосли деб топиб, уни қаноатлантирди.

Чунки Фуқаролик кодексининг 324-моддасига асосан, қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, кредит шартномани тузишда тарафлар унинг ҳуқуқий асосларига тўлиқ риоя этиши зарур. Шунда шартнома ишончли бўлиб, иккала томоннинг ҳам манфаатларини ифода этади.

Жамшид ТИРКАШЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди раисининг ўринбосари

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳалолликда ҳикмат кўп

СУД ОЧЕРКИ

Бугунги кунда замонавий ахборот технологиялардан барча соҳа ва тармоқларда кенг фойдаланилмоқда.

Бироқ айрим нопок кимсалар бундай имкониятлардан ўзларининг ғараз ниятларини амалга ошириш учун фойдаланишга уринаётгани ғоятда ачинарлидир.

Масалан, Бахтиёр Ўринов Олий ўқув юртларининг бирида 2000 йилдан буён ўқитувчи лавозимида ишлаб келаётганди. "Интернет" тармоғини пухта ўзлаштирган Б.Ўринов негадир мўмай даромад орттириш пайига тушиб қолади. Кунлардан бир кун у шундай ғаразли мақсадда "Интернет" тармоғида "Форекс" халқаро валюта биржасига пул тикиб, бу маблағни икки баробарга кўпайтириб берамиз", дея эълон беради.

(Давоми тўртинчи бетда)

2013-yil — «Obod turmush yili»

Аҳоли фаровонлиги йўлида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Туманда янги ишлаб чиқариш иншоотларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, касаначиликни ривожлантириш борасида дастурда белгиланган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада туманда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида олти минг саккиз юзга яқин янги иш ўрни яратилди.

Ушбу маълумотлар билан аҳолини янада кенгроқ хабардор этиш мақсадида йил бошидан буён йигирма мартадан зиёд бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Бу ярмаркаларда аҳоли ва ёшлар ўзларини қизиқтирган соҳалар бўйича бўш иш ўринлари билан таништирилиб, иш берувчи ташкилотларда яратилган шароитлар ҳақида батафсил маълумот олишди. Кўплаб йигит-қизлар танлаган соҳалари бўйича ишга жойлаштирилди.

Туман ҳудудида жойлашган йирик корхоналар билан ҳамкорликда очиқ эшиклар кунлари ташкил этилаётгани одамларнинг ўзига муносиб иш жойи топишида зарур қулайликлар яратмоқда. Бундай тадбирларда иштирокчилар корхоналарнинг фаолият йўналишлари билан бирга, ишга жойлашиш бўйича батафсил маълумотга эга бўлаётир.

Тумандаги "Prima textile" масъулияти чекланган жамиятида ташкил этилган ана шундай тадбир бунга мисолдир. Замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган ушбу корхонанинг фаолият бошлаганига энди бир йил тўлди. Корхонада уч юз нафардан ортиқ хотин-қиз иш билан банд. Уларнинг қарийб эллик нафари коллеж битирувчисидир.

— Болалигимдан дизайнер бўлишни орзу қиламан, — дейди Шайхонтоҳур тумани Гулобод маҳалласида яшовчи Соҳиба Мирбоқиева. - Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежининг дизайнерлик йўналишида таҳсил олдим. Маҳалламизда ўтган очиқ эшиклар кунида "Prima textile" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан яқиндан танишиб, шу корхонага ишга йўлланма олдим. Айни пайтда замонавий тикув машинасида болалар кийимлари тикяпмиз. Меҳнат шароитимиз жуда яхши.

Шу ўринда туманда иш билан банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган соҳалар бўйича ўқитиш ҳам самара бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳузуридаги ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув марказида йигирмадан зиёд йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. 1-1,5 ойлик мазкур ўқув курслари якунида битирувчиларга сертификат берилаётир. Ўтган даврда тумандан уч юз нафардан ортиқ йигит-қиз ана шундай ўқув курсларида турли касбларга ўқитилди.

Шайхонтоҳур туманида айни пайтда тўққизта касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича туман ҳокимлиги, маҳалла, коллеж, ота-оналар ҳамкорлигида иш олиб борилаётгани ўзининг самарасини бермоқда. Барча касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг рўйхати маҳаллаларга етказилган. Маҳалла фаоллари хонадонларда бўлиб, ёшлар билан келгуси режалари, қизиқишлари хусусида суҳбатлар ўтказмоқда.

— Бандликни таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида маҳалламизда учта кичик корхона ташкил этилди, — дейди тумандаги "Илғор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Зокиров. - Тикувчилик ва миллий ҳунармандлик соҳасида фаолият юритаётган ушбу ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти самараси ўлароқ, ўндан зиёд хотин-қиз ва ёшлар ишли бўлди. Бу йил маҳалламизда истиқомат қилувчи эллик нафарга яқин йигит-қиз коллежларни битирди. Ҳозиргача уларнинг ярмидан ортиғи эгаллаган касбларига мос соҳалар бўйича ишга жойлашди.

Шофайз маҳалласи — оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнес жадал ривожланаётган масканлардан бири. Бугунги кунда ушбу ҳудудда ўндан зиёд оилавий тадбиркор аждодларимиздан мерос чеварлик, тунукасозлик, ип йигириш каби миллий ҳунарлар билан шуғулланмоқда. Маҳалла фаоллари бу оилаларга ўз фаолиятини ривожлантиришда яқиндан кўмак бериш баробарида ёшларни ушбу ҳунарларга ўргатишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли бандлигини таъминлаш ва бандликни янада ошириш бўйича изчил ишларни амалга оширмоқда.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва тараққиётнинг ўзбек модели сифатида кенг эътироф этилаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлган бундай чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини янада кучайтириш, фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Гулбаҳор ҲАЗРАТҚУЛОВА

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳалолликда ҳикмат кўп

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Гарчанд мушоҳадали, ҳаётнинг паст-баландини яхши биладиган кишилар бу ёлғон хабарга эътиборсиз қараган бўлса-да, айрим қизиқувчан ва содда ёшлар Б.Ўриновни излаб топиш ҳаракатига тушади. Шулардан бири Феруз Усмонов бўлиб, у Бахтиёр Ўринов усталик билан қўйган фириб тузоғига жуда осон илинади.

Улар "Интернет" орқали танишиб олгач, тармоқдаги суҳбат телефонга кўчди. Шу аснода ўзаро келишувга мувофиқ Феруз Б.Ўринов фаолият юритадиган олий ўқув юртига йўл олади. Йўл-йўлакай унинг кўнглида пича хавотир уйғонади чоғи, шу олийгоҳда таълим оладиган дўсти Муродга кўнгироқ қилиб, Б.Ўринов ҳақида сўраб-суриштиради. Бахтиёрнинг чиндан ҳам, ўқитувчи лавозимида ишлашини эшитгач, Ферузнинг пулни кўпайтиришга бўлган иштиёқи янада ортади. Муроднинг кўмаги билан Б.Ўриновни осонгина топган Феруз барча тафсилотларни тезроқ билиб олишга ошиқади. Улар Б.Ўриновга тегишли "Нексия" русумли автомашинада узоқ суҳбатлашишади.

Б.Ўринов гап орасида суҳбатдошининг ишончини қозониш учун шу тармоқда ўзи ҳам стратегик дастур яратиш эвазига катта даромад кўраётганини зўр бериб уқтиради.

— Энди, ука, даромадга яраша буромад, деганларидек, оладиган фойдангизнинг тенг ярмини менга берасиз. Негаки, бу фойдани мен яратган стратегик дастур ёрдамида қўлга киритамиз. Шу шартга рози бўлсангиз, бундан буён биргалашиб катта даромадга эга бўламиз.

Бу ҳавойи гапларга Феруз шу даражада лаққа тушадики, ҳатто ўзга юртларда фаолият кўрсатадиган ушбу валюта биржаси қандай йўл билан катта миқдордаги пулларни фойда тариқасида қайтара олишини хаёлига ҳам келтирмайди.

— Аввалига ишонч ҳосил қилиш учун 1000 АҚШ доллари миқдорида пул тикиб кўринг. Яхшигина фойда олгач, кўпроқ маблағ киритаверасиз...

Қатъият билан айтилган бу гапга Феруз дарҳол рози бўлади. У уйига келган заҳотиёқ онаси Гулбаҳор Жумаевага ҳаммасини гапириб беради ва халқаро тармоққа "маблағ киритиш керак"лигини тушунтиради. Шундан сўнг она-бола яна Б.Ўринов билан учрашиб, "меҳнат қилмасдан пул кўпайтиришнинг сир-асрори"ни обдон ўрганишади. Бахтиёр ҳам тузоғига илинган она ва болани янада ишонтириш учун интернет тармоғидаги аллақандай дастурларни бир-бир шарҳлай бошлайди. Г.Жумаева бу изоҳларни мутлақо тушунмаса-да, мўмай даромад орттириш илинжида пул тикиш таклифига ҳеч қандай эътироз билдирмайди.

Шу тариқа Феруз Бахтиёрга 1000 АҚШ доллари миқдоридаги пулни қўшқўллаб тутқазади. Б.Ўринов бу пулларни мамнун ҳолда санаб оларкан, соддадил йигитни яна аврашга киришади:

— Бу пулни сенинг номингга ҳисоб-рақами очиш, интернетдаги роботни ишга тушириш учун сарф қиламан. Яна шунча миқдорда пул келтирганингдан сўнг фойда кўра бошлайсан...

Ноилож қолган Феруз Бахтиёрнинг бу истагини ҳам бажо келтиради. Орадан бир неча кун ўтгач, Феруз Бахтиёрга қўнғироқ қилиб, "ишлар" қандай кетаётганини сўрайди. Б.Ўринов учрашишлари лозимлигини айтади ва Ф.Усмоновнинг уйига келади. Иккиси "Интернет" тармоғига киришгач, Бахтиёр мамнун ҳолда хитоб қилади:

— Феруз, биржага қўйган пулинг 1000 АҚШ доллари миқдорида фойда келтирибди. Қанча кўп пул тиксанг, шунча кўп фойда кўрасан... Хоҳлаган вақтинг, ҳатто ҳозир ҳам банкдан шу пулни олишимиз мумкин.

Шундан сўнг Бахтиёр ўзига тегишли автомашинада Ферузни шаҳар марказида жойлашган банк биноси ёнига олиб келади. У Ферузни машинада қолдириб, ўзи шу атрофда турган бир йигитнинг ёнига боради. Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтгач, у мамнун ҳолда қайтиб келиб, Ферузга 1000 АҚШ долларини кўрсатади ва бу пулнинг тенг ярмини унга беради. Соддадил йигит шу даражада мамнун эдики, ҳатто уйига қандай етиб келганини ҳам сезмай қолади. Шундан сўнг у Бахтиёрга буткул ишонади ва онаси билан бамаслаҳат ҳолда эртаси куниёқ 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги пулни "уста муаллиф"га қўшқўллаб тутқазади. Бахтиёр ўзини гўёки интернет орқали аллақандай савдо-сотиқни амалга ошираётгандек қилиб кўрсатар, ойига 500 ёхуд 400 АҚШ долларини фойда, дея Ферузга топширарди. Феруз ва унинг онаси Бахтиёрга пул беришда давом этаверди. Шу тариқа Б.Ўринов алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан Ф.Усмонов ва унинг онаси Г.Жумаеванинг 21300 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини қўлга киритади. 2012 йилнинг июль ойига келиб, Бахтиёр "мижозлари"га "Мен яратган дастур ўзини оқламаяпти", дея пул беришни буткул тўхтатиб қўяди. Шундан сўнг Г.Жумаева ва Ф.Усмонов бир неча марта Бахтиёрнинг уйига келиб, пулларини қайтариб беришни талаб қилишади. Б.Ўринов эса, ҳар гал "дастур" фақат зарар келтираётганини айтиб, уларни қуруқ қайтараверади. Буни қарангки, "дастур муаллифи"нинг фириб тузоғига илинганлар фақатгина Феруз ва унинг онаси эмасди. Яна бир фуқаро — Шуҳрат Хўжаев ҳам Б.Ўриновнинг алдовларига чув тушиб, унга 9000 АҚШ доллари миқдоридаги пулни қуртдек санаб берганди. Алданган ҳамшаҳарлар нечоғлик уринишмасин, Б.Ўриновдан пулларини ололмагач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат этишди.

Дастлабки тергов чоғида Б.Ўринов ўз қилмишининг оқибати "вой" эканини англаб етган шекилли, жабрланувчилар Ф.Усмонов ва Г.Жумаевага 21 300 АҚШ доллари, Ш.Хўжаевга 9000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни тўлиқ қайтарди.

Шу тариқа ўз ҳамюртларини узоқ вақт мобайнида овораи-сарсон қилган Б.Ўриновнинг жиноий қилмиши жиноят ишлари бўйича Когон тумани суди томонидан кўриб чиқилди. Суд жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қоплангани, айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, Б.Ўриновга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима жазосини тайинлади.

Албатта, айбдор қилмишига яраша жазо олди. Бироқ масаланинг яна бир жиҳати кишини ўйга толдиради. Наҳотки, айрим юртдошларимиз ҳалол меҳнат қилмай орттирилган мўмай даромад ҳеч қачон яхшилик келтирмаслигини билишмаса?! Қолаверса, ўз ҳамёнидаги маблағни бегона юртдаги мутлақо номаълум "валюта биржаси"га ўтказиш эвазига фойда кўришга ишониш бефаҳмлик эмасми?!

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, қинғир йўллар билан бойлик орттириш ҳеч қачон яхшилик келтирмаслигини, ҳалол ризқ эса, кишига ҳаловат бағишлашини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Бобур УМАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди раисининг ўринбосари
Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
"Куч — адолатда" мухбири

Garoyib olam

Дунёда халқлар кўп, уларнинг фақатгина ўз-ўзига хос расм-русумлари, миллий урф-одатлари бор. Бинобарин, барча халқларда асрлар бўйи шаклланган ҳаётий анъаналарни ўзида мужассам этган энг жозибали маросимлардан бири бу — никоҳ тўйидир.

Биз билган ва билмаган дунё

Никоҳ тўйи замирида бир қатор анъана ва урф-одатлар мавжуд. Шулардан бири совчилик, яъни келин танлаш маросимидир. Ушбу удум орқали келиннинг қай даражада тарбия кўрганлиги, феъл-атвори, уқувлилигига баҳоли қудрат холис баҳо берилган. Ажабланарлиси, дунё халқларининг турмуш тарзига назар ташласак, келин танлашда унинг пазандалик бобидаги маҳоратига ҳам алоҳида аҳамият берилар экан. Бундан кўзланган асосий мақсад, албатта,қизларни ёшликдан меҳнатга, рўзғор тутишга, меҳмон кутишга ўргатишдан иборат. Қуйида ана шундай келин танлашга бевосита сабабчи бўлган таомлар хусусида ҳикоя қиламиз.

Италияда келинлар томонидан макарон, вермишелдан тайёрланадиган таомлар энг мазали таом ҳисобланади. Бўлажак келинлар ушбу масаллиқларнинг ўнлаб турларидан юзлаб тансиқ таомлар пиширишади. Қизларни оилада ёки махсус мактабларда вермишель ва макарон таомлари тайёрлашга ўргатишади. Никоҳга борганларида қиз пазандалик маълумоти ҳақидаги ўз гувоҳномасини кўрсатиши шарт. Қизиқ томони шундаки, агар қиз бундай гувоҳномага эга бўлмаса, бу ёш оила то у шундай гувоҳномани тақдим этмагунча никоҳдан ўтказилмаган.

Австрияда эса,келинни ўз тилларида "студеал" деб аталадиган миллий таомни тайёрлай билишига қараб танлаш урфга кирган экан. Аслида бу таом ичига олма бўлаклари солиб тайёрланадиган рулет бўлиб, унинг хамири бағоят нафис ва гўзал бўлмоғи шарт ҳисобланади.

Маълумки, Ҳиндистонда жуда қадим замонлардан буён чой етиштирилиб келинади. Чой ҳиндлар учун фақат ичимликкина эмас, овқат ҳамдир. Ҳа, ҳеч ҳам ажабланманг, фанда бир пиёла чойдаги қувват бир бурда нонга тенг эканлиги аллақачон исботланган. Яъни чойга улар сут, қаймоқ, ёғ, асал ва бошқа масаллиқларни қўшиб дамлашади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай чой чанқоқбосди ичимликкина эмас, балки юқори калорияли таомга айланади. Бу мамлакатда чой дамлашнинг нафақат кўплаб усули, балки ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос чой дамлаш қоидалари ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам бўлажак келинлар чой дамлашнинг камида ўнта қоидасини билиши шарт, йўқса, иззат-эътиборга сазовор бўлмайди.

Францияда эса, келин бўлмиш қиз қуймоқ билан сардак тайёрлашни билиши шарт. Юзаки қараганда, қуймоқ ўта осон тайёрланадиган таомга ўхшайди. Аслида уни тайёрлаш ғоят масъулиятли ҳисобланади. Яъни биринчидан, у серёғ бўлмаслиги, заррача куймаслиги, қотиб пишмаслиги каби талаблар сабабли фаранглларда санъат даражасига айланган, десак, муболаға бўлмайди.

"Сардак" тайёрлаш ҳақида гап кетганда эса, "Францияда қанча одам бўлса, сардакнинг шунча хили бор" деган гап юради. Бинобарин,бу мамлакатда қиз турмуш қуришдан олдин ўзининг маҳорати билан янги хил сардак тайёрлай олса, энг яхши келин, дея шарафланади.

Австралияда жуда кўп тропик мевалар ўсади. Шунинг учун бўлажак уй бекалари мевалардан мурабболар тайёрлашни билиши талаб қилинади.

Арабистонда эса, хурмо энг муҳим озуқалардан бири ҳисобланади. Шу боис дастурхонда доим янги хурмо бўлиши шарт. Хурмонинг данагини олиб ташлаб, янчиб, яна қовурилган ун ва бошқа масаллиқлар қўшиб, ундан ҳолва тайёрлайдилар. Бундай мазали таомни оилада фақат уй бекалари ҳозирлайди. Шунинг учун ҳам турмушга чиқадиган қиз ўз онасига хурмо ҳолва тайёрлаш бўйича имтиҳон топширади. Бундан ташқари ун қўшиб тайёрланадиган хурмо ҳолванинг анъанавий аҳамияти ҳам бор. Яъни келинни янги хонадонга кузатиб келаётган дугоналари қўлларида хурмо ва буғдой дони олиб келадилар ёки келин қадам ранжида қиладиган хонадон дарвозаси ёнига кўзага тўлдирилган хурмо ҳолва қўйиб, янги уй соҳибасини кутиб олишади. Нақл қилишларича, мана шу урф келинга катта бахт келтирар эмиш.

"Бетел" овқат эмас, лекин таом ҳазмини енгиллаштирадиган сақич бўлиб, турли зираворлар қўшиб тайёрланади. "Бетел" Ҳиндистон, Вьетнам, Хитой ва барча Шарқий Осиё мамлакатларининг истеъмол бозорида ўз ўрнига эга. Қизиғи шундаки, "бетел" ҳам бир қатор мамлакатларда келин танлашга восита бўлар экан. Қиз бирон йигитга турмушга чиқмоқчи бўлса, унга "бетел" совға қилади. Бу қизнинг розилик аломати бўлиб, тўйга тайёргарлик кўришингиз мумкин, деган андишадан далолат саналади.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шоюнус ГАЗИЕВ
Қўчқор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ҲИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1016. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6687.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21³⁰